

РАҲИМЖОНОВ Дурбек Обиджонович
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Исломишунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиш ICESCO кафедраси доценти,
тарих фанлари номзоди, доцент

НУРМАТОВ Жаҳонгир
Қозоқ-Турк университети Теология факультети
доценти, PhD

ҲАДИСЛАРНИНГ ЎРТА АСРЛАРДА МОВАРОУННАХР МАЪНАВИЙ ҲАЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ

РОЛЬ ХАДИСОВ В ДУХОВНОЙ ЖИЗНИ МАВЕРАННАХРА В СРЕДНИЕ ВЕКА

THE ROLE OF HADITHS IN THE SPIRITUAL LIFE OF MAVERANNAHR IN THE MIDDLE AGES

Аннотация. Ушбу мақолада ҳадисларнинг XI-XII асрларда Мовароуннаҳр маънавий ҳаётида тутган ўрни ҳақида сўз кетади. Ўлкада фаолият юритган муҳаддис олимлар, улар ривоят қилган ҳадис мавзулари, ҳадисларда минтақадаги маънавий муҳитнинг акс этиши ҳақида маълумот берилган.

Калим сўзлар: Мовароуннаҳр, сохта ҳадис, саҳиҳ ҳадис, зуҳд, одоб-ахлоқ, ҳофиз.

Аннотация. В данной статье рассматривается роль хадисов в духовной жизни Мавераннахра в XI-XII веках. Анализируется деятельность ученых-хадисоведов, работавших в этом регионе, и темы хадисов, переданных ими. Особое внимание уделяется тому, каким образом хадисы отражали духовную среду Мавераннахра того времени.

Ключевые слова: Мавераннахр, ложный хадис, достоверный хадис, зуҳд, нравы, ҳафиз.

Annotation. This article examines the role of hadith in the spiritual life of Maverannahr during the 11th and 12th centuries. It explores the contributions of prominent hadith scholars who lived and worked in the region, analyzes the themes and topics of the hadiths they transmitted, and discusses how these hadiths reflect the spiritual and intellectual climate of Maverannahr during this period.

Keywords: Mawarannahr, false hadith, authentic hadith, zuhd, morals, hafiz.

КИРИШ

Ҳадисларнинг XI-XII асрларда Мовароуннаҳр маънавий ҳаётига таъсирини таҳлил этиш учун ўлка муҳаддис олимлари ривоят қилган ҳадисларни кўриб чиқиш керак бўлади. Мазкур даврдаги маънавий муҳит халқ орасида кенг тарқалган саҳиҳ ва сохта ҳадисларда ҳам акс этади. Замон ҳолатидан келиб чиқиб тўқилган сохта ҳадисларда ўша даврнинг ҳолати акс этиши тушунарли. Аммо саҳиҳ, яъни ишончли ҳадисларда қандай қилиб замон нафаси сезилиши мумкин, деган савол туғилиши табиий.

Буни шундай таърифлаш мумкинки, ҳар бир ҳадис ривоят қилувчи, одатда, ўзи ривоят қилаётган ҳадисни ўз ҳаётий тамойилига айлантиради. Буни Имом Бухорийга “Сиз қандай қилиб шунча ҳадисни ёдингизда сақлаб қоласиз”, деб берган саволларига жавобан, “Мен бирорта ҳадисни ўрганган бўлсам, албатта унга амал қилдим”, деб берган жавобларидан ҳам билиш мумкин.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ҳадис ровийлари ўз ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб, кимдир асосан, илм олишга чакирувчи, кимдир ибодатга оид, яна кимдир ижтимоий адолатга оид ҳадисларни кўпроқ ривоят қилган. Мисол тариқасида олинган Абу Ҳафс Насафийнинг “Китобу-л-қанд фи зикри уламои Самарқанд” [1] асарига эътибор билан қаралса, бу даврда яшаб фаолият кўрсатган муҳаддислар аввалги давр уламоларидан фарқли равишда кўпроқ одоб-ахлоққа, чакирувчи мавзулардаги ҳадисларни ривоят қилганлар.

Ислом янги кириб келган ҳудудлардаги араб бўлмаган мусулмонлар сонининг келгусида араблардан кўра кўпроқ бўлиши ҳақида башорат берилган, Абу Ҳурайранинг Пайғамбар (с.а.в.)дан ривоят қилган қуйидаги ҳадисда ҳам шунга далолат қилади:

Мен тушимда қора қўйлар подасининг ичига кириб қолган эмишман. Кейин оқ қўйлар орасига кирибман. Унда оқ қўйлар орасида қора қўйлар кўринмай кетибди.

Абу Бакр айтдики:

Эй Расулуллоҳ, бу араблар исломга кирадилар ва кўпаядилар, ундан кейин ажам

халқлар исломга кирадилар ва араблар улар орасида кўринмай кетадилар.

Шунда Набий алайҳи-с-салом дедилар:

Тўғри айтдинг, эрталабки фаришта ҳам шундай таъбирлаган эди [2:265].

Зикр этилган ҳадис бу даврга келиб Самарқанд мусулмон жамоаси тарихида кескин ўзгариш юз берганини кўрсатади. Яъни, илк даврда ислом жамоаси таркибида араблар аксариятни ташкил қилган бўлса, мазкур босқичда маҳаллий аҳоли кўпчиликдан иборат эди. Бу эса Самарқанд ҳақидаги ҳадиснинг муҳаддислар орасига сингиб кетишини таъминлади.

Мазкур давр муҳаддислари ривоят қилган ҳадислар орасида хокисорлик, зикру истиғфорда мустаҳкам туриш мавзуси катта ўринни эгаллайди. Хусусан, Абу Ҳафс Насафий Довуд ибн Исмоил Киссийдан ушбу ҳадисни ривоят қилади:

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло пайшанба кунни жаннат, дўзах ва фаришталарни яратган. Ким пайшанба кунни асрдан кейин 40 маротаба “Кул хува-л-лоху аҳад” сурасини ўқиса ва 40 маротаба истиғфор айтса, унга қиёмат кунни жаннат ва дўзахдаги нарсаларнинг миқдорича жаннатда бир шаҳарни ато этади, 80 мингта хур ато этади, фаришталар сонича йил ибодат қилганнинг савобини ва ҳар бир оят учун минг шахиднинг савобини ёзади. Айтилган истиғфорнинг ҳар бир ҳарфи учун 60 та фаришта яратади ва бу фаришталар то қиёматгача тасбиҳ айтадилар. Қиёмат кунда дўсти унинг амалига қараб ундан кўра яхшироқ кишини топа олмайди ва у шунинг билан жаннатга кетади [2:45].

Ушбу ривоят каби қўшимча диний амаллар, эҳтиёжлар, ҳиссиётлар мавзуларини акс эттирувчи ҳадисларни кўплаб учратиш мумкин. Бу шуни кўрсатадики, агар фикҳ илми ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлса, ҳадислар эса фикҳ доирасидан ташқарида бўлган инсоннинг маънавий камолоти, ички юксалиш йўналишини ўз ичига қамраб олганини кўрсатади.

Бу даврда мазкур минтақада муомалада бўлган ҳадислар саҳиҳ тўпламлар ҳисобланмиш “Олти китоб” (“ал-Кутуб ас-ситта”) ёки “Тўққизта китоб” (“ал-Кутуб ат-тисъа”) тўпламларида [9] учрамасада, ўша даврда мавжуд бўлган ижтимоий қарашларни ўзида

акс эттиради. Зеро, мазкур даврда “одамларни яхшиликка чақириш” мақсадида, яъни “яхши ниятда” ёлғон ҳадис тўқиш мумкин, деган тасаввурлар мавжуд эди.

Айтилганлардан, Мовароуннаҳрда мазкур даврда фақат тўқима ҳадислар муомалада бўлган, деган хулоса чиқмаслиги керак. Бу даврда ривоят қилинган ҳадислар орасида жуда кўп саҳиҳ тўпламларда келган ҳадислар ҳам учрайди. Масалан, Самарқанднинг “Работ ал-мурабба” номли работида ҳадис имло қилган муҳаддис Абус Самсом Зулфқор ибн Муҳаммад Ҳасаний (ваф. 1115-16 й. дан кейин) ривоят қилган ҳадис тўққиз “Саҳиҳ” тўпламларда мавжуд бўлган саҳиҳ ҳадислар қаторидадир. Жумладан ҳадисда шундай дейилади:

Ким бир одамини ҳидоятга чақирса, унга эргашган одам каби савобга эга бўлади, унинг савоби ҳеч қанча камаймайди. Ким бировни залолатга бошласа, гуноҳда унга эргашган одам каби бўлади, унинг гуноҳи ҳеч камаймайди [9].

Халифанинг элчилари, уларнинг атрофидаги муҳаддислар орасида ҳукмдорни адолатга чақирувчи ва улар ишини мадҳ этувчи ҳадислар кўпроқ муомалада эди. Самарқандга 1125-26 йили Ҳокон Аъзам Муҳаммад ибн Сулаймон ҳузурига халифанинг элчиси Атийя ибн Али Қураший билан бирга келган муҳаддис Абул Фараж Рустам ибн Аббос Бағдодий қуйидаги ҳадисни ривоят қилади:

Одил подшоҳнинг ўз райияти устидан бир кунлик амали обиднинг ўз аҳли орасида юз ёки эллик йил ибодат қилганидан яхшироқдир [1:59].

Ҳадислар орасида қариндош-уруғчилик орасидаги яхши муносабатларни мустаҳкамлаш, силаи раҳмни узмаслик мавзуси долзарб ҳисобланарди. Жумладан, Самарқандда яшаган Абул Фазл Зиёд ибн Муҳаммад Хўжандий ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади:

Кимки менга бир нарсага кафолат берса, мен унга тўрт нарсага кафолат бераман: силаи раҳмни бардавом қилса (қариндош-уруғчиликни маҳкам тутса) оиласи яхши кўради, ризқи кенг бўлади, умри узоқ бўлади, Аллоҳ таоло ўзи ваъда қилган жаннатига киритади [1:65].

Инсонлар орасидаги меҳр-шафқат, доимо келажакка умид билан яшашга чақирувчи ҳадисни *аш-шайх ал-фақиҳ ал-имом* Абул Ҳасан

Али ибн Муҳаммад Саккок ривоят қилади:

Аллоҳ таоло юзта раҳматни яратди ва биттасини ўз халқи орасига ташлади. Улар шу раҳмат билан ўзаро меҳр-оқибатда бўладилар. Ваҳоланки, Аллоҳ ҳузурида 99 та раҳмат турибди. Агар имонли киши Аллоҳ ҳузуридаги азобларни кўрганида эди, ҳеч ким жаннатдан умид қилмай қўяр эди. Агар кофир Аллоҳ ҳузуридаги раҳматдан хабардор бўлганида эди, ҳеч ким унинг раҳматидан ноумид бўлмас эди [1:431].

Суфийликка хос дунёга хирс қўймаслик, кўпроқ зикру сано ва савоб ишлар билан машғул бўлиш мавзуидаги ҳадислар ҳам бу даврда кенг тарқалган. Абу Ҳафсга замондош Сулаймон ибн Довуд Размозий ушбу ҳадисни ривоят қилади:

Умматларим орасида уч турли кишилар Иблис ва унинг қўшинидан омонда бўладилар: туну кун Аллоҳни зикр этувчилар, Аллоҳдан кўрқиб йиғлайдиган кишилар ва сахарларда истиғфор айтувчилар [1:109-110].

Абу Ҳафс Насафийнинг ҳам зухду тасаввуфга ихлоси баланд эди. Буни унинг шеърга солган ҳадисларининг мавзуларидан ҳам билиш мумкин. Чунончи, Абу Ҳафс Насафий, асосан, ўзини каттиқ таъсирлантирган ҳадисларни, жумладан юқоридаги ҳадисни, шеърий тарзда берган.

Аҳиллик, биродарлик, бағрикенгликка чақирувчи ҳадислар ҳам кенг муомалада эди. Ал-Исбижобий номи билан машҳур аш-шайх ал-имом Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад Самарқандий бу мавзуда шундай ҳадисни ривоят қилади:

Душанба ва пайшанба кунлари жаннат эшиклари очилади ва Аллоҳга ширк келтирмаган кишиларнинг гуноҳлари кечирилади. Аммо бир-бирлари аразлашган икки кишининг гуноҳи кечирилмайди ва айтиладики, бу иккиси ярашмагунларича уларни рад этинглар [1:430-431].

Албатта ота-онага яхшилик қилиш, уларни норози қилмаслик мавзуидаги ҳадислар барча замонлардаги каби XI-XII асрларда ҳам биринчи ўриндаги масалалардан эди.

Муҳаддисларнинг ҳоким, қози ва умуман раҳбарлик лавозимларида ишлашга бўлган муносабатларини уларнинг қозилар ҳақида ривоят қилган ҳадисларидан билиш мумкин. Самарқандда яшаган зоҳидлик йўлидаги *ал-*

имом Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Исмоил ал-Бухорий ана шундай ҳадисни ривоят қилади. Бу ҳадис Имом Термизийнинг “Сунан”ида ҳам учрайди [9]:

Қозилар уч хилдир, икки хили ўтда (дўзахда) ва бириси жаннатда бўлади: одамлар орасида 1) илмсиз равишда ва 2) ноҳақ тарзда ҳукм чиқарувчи қозилар ўтдадирлар; 3) илми ва ҳақлик билан ҳукм чиқарувчи қозилар жаннатда бўладилар [3:63⁶¹].

Муҳаддисларнинг илк сабоқлари Қуръонни ёдлаш билан бўлар эди. Бу даврда Қуръоннинг фазилатларини гапириб, уни ёд олишга тарғиб қилувчи ҳадисларни ривоят қилиниши қориларнинг баланд мавқега эга бўлганлигидан дарак беради. Самарқандда 1115-16 йили Абу Ҳафс Насафийнинг имло’ларида ҳозир бўлган аш-шариф ал-ҳофиз Бакр ибн Ҳусайн Басрий куйидаги ҳадисни ривоят қилади:

Қуръон соҳиби (ҳофизи) боғланган туя соҳиби кабидир. Уни маҳкам тутса – уни ушлаб қолади, агар ташлаб қўйса – кетиб қолади [3:20⁶¹].

Аш-Шайх ал-имом ал-хатиб Абул Ҳасан Али ибн Аҳмад Иштихоний қориликнинг фазилати хусусида шундай ҳадисни келтиради:

Қуръон қориси учун бир ижобат бўлувчи дуо бордир. Агар унинг соҳиби хоҳласа, уни бу дунёда сўрайди, агар хоҳласа, уни охиратга қолдиради [1:426-427].

Ушбу даврда Қуръон, илк ислом давридан фаркли ўларок, ёзма равишда китоб сифатида ҳам катта аҳамият касб этган эди. Буни Абу Наср Аҳмад ибн Али Насафий Анас ибн Моликдан ривоят қилган ҳадисдан кўришимиз мумкин:

Кимки Қуръонни ўрганса, ўргатса ва олдида “Мусҳаф” бўла туриб, унга қараб такрорлаб турмаса, қиёмат куни бу китоб унинг бўйнига осилиб келади ва айтади: “Эй Оламларнинг Раббиси, сенинг бу банданг мени ташлаб қўйди, бизнинг орамизда ҳукм чиқар!” [1:69-70]

Мазкур даврда ҳадисларни сохталаштириш билан бирга Қуръон оятларига ҳам турли ғаразли мақсадда тафсир ва изоҳлар берилиши ҳолатлари бўлганлигини аш-шайх ал-имом Абул Ҳасан Али ибн Абдулраҳим Сакодарий ривоят қилган ҳадисдан маълум бўлади:

Ким Қуръон бўйича билмай туриб сўзласа, ўз жойини жаҳаннамдан тайёрласин [1:437].

Шу даврда ҳам турли фирқалар орасида тўрт халифа (ал-хулафо ар-рошидун) ҳақида

хар хил зиддиятли фикрлар давом этганлигини ас-сайид ал-олим аз-зоҳид Абу Бакр Зайд ибн ал-Ҳасан ал-Жаъфарийнинг Али ибн Аби Толиб орқали ривоят қилган ҳадисдан билиш мумкин. Бу ривоят ҳадис илм аҳлининг шиалик ва суннийлик орасидаги зиддиятни бартараф этиш учун хизмат қилганларини кўрсатади. Жумладан бу ҳадисда шундай дейилади:

Ким Абу Бакрни яхши кўрса, қиёмат кунда Абу Бакр билан туради. Ким Умарни яхши кўрса, ҳамма жойда у билан бирга бўлади. Ким Усмонни яхши кўрса, у билан бирга бўлади. Ким мени яхши кўрса, мен билан бирга бўлади. Ким уларнинг тўртталасини яхши кўрса, уларнинг барчаси у одамни жаннатга етакловчилари бўладилар [1:68].

Абу Бакрнинг макоми бошқалардан кўра юқорироқ эканлиги ҳақида яна бир ҳадисда шундай дейилади:

Эй Абу Бакр, дарҳақиқат, Аллоҳ таоло Одам-атодан то қиёматгача менга имон келтирган барча кишиларнинг савобини менга берди, мени пайғамбар қилиб юборганидан то қиёматгача менга имон келтирган барча кишиларнинг савобини сенга берди [3:62^а].

Мударрислар орасида илм олишга чакирувчи ҳадислар кўпроқ муомалада эди. Алп Чағри-бек мадрасаси қошидаги дарсхонада Куръондан дарс берган аш-шайх Али ибн Ҳасан Мустамли таълим олиш ҳақидаги қуйидаги ҳадисни ривоят қилади:

Фақат олим ёки илм ўрганувчигина менадир (яъни, мусулмондир) [1:437-438].

Илм талабида узоқ сафарларда юрувчи муҳаддислар ҳам доимо илм олишга (ҳадисларни йиғишга) чакирувчи ривоятларни тарғиб қилар эдилар. Масалан, Самарқандда Анас ибн Моликнинг ҳадисини ривоят қилган Уҳайд ибн Муҳаммад Термизий қуйидаги ҳадисни ривоят қилади:

Илмни талаб қилиш ҳар бир мусулмонга фарздор [2:94-95].

Мураббаботида ҳадисдан имло мажлисларини ўтказган муҳаддис аш-шайх ал-имом Абул Ҳасан илмга чакирувчи ушбу ҳадисни келтиради:

Ким бизнинг масжидимизга яхшиликни ўрганиш ёки уни ўргатиш учун кирса, у Аллоҳ йўлида жиҳод қилаётган киши кабир. Ким бундан бошқа нарса учун кирса, ўзида йўқ

нарсани томоша қилиш учун келган киши кабир [1:425].

Уламолар орасида фаол ижтимоий фаолият юритишга чакирувчи ҳадислар ҳам учраб турарди. Масалан, Абу Ҳафс Насафийнинг шогирди аш-шайх ал-фақиҳ ал-ҳажжож Абул Ҳасан Али ибн Юсуф Байкасий шундай ҳадисни тарғиб қилган:

Бир одам Аллоҳнинг яхшиликка буюриши ва ёмонликдан қайтариши бўйича бир дон масалани ўрганса, бу Аллоҳ наздида унинг йўлида қилинадиган 70 та ғазотдан яхшироқдир [1:430].

Бу даврда Самарқандда фаолият олиб борган насафлик муҳаддислар кўпроқ аҳл ас-суннадан бўлганликларини улар ривоят қилган Пайғамбар суннатини маҳкам тутишга чакирувчи ҳадислардан билиш мумкин. Масалан, Самарқандда яшаган Али ибн Муҳаммад Ҳажжож Насафий Анас ибн Моликдан қуйидаги ҳадисни ривоят қилади:

Ҳеч бир киши мени ўз отасидан, боласидан ва барча инсонлардан кўра қаттиқроқ яхши кўрмагунча (комил) имонли бўла олмайди [1:437].

XI-XII асрларда ривоят қилинган ҳадисларнинг илк даврдаги ҳадислардан фарқли ўлароқ, ўзига хос хусусиятларидан бўлган, кўпроқ одоб-ахлоқ, савоб амаллар, зуҳду тақво масалалари кўрилган. Бу эса мазкур даврда ислом динининг минтақада нисбатан муқим ўрнашиб, турли фирқалар орасидаги курашнинг пасайганлигини кўрсатади.

Ҳанафий мазҳаби Самарқандда асосий фикҳий мазҳаб бўлганлигини аш-шайх ал-имом ал-хатиб Умар ибн Муҳаммад ривоят қилган ҳадисдан билиш мумкин. Унда айтилишича:

Охир замонда умматимдан бир киши чиқади. Унинг исми Нуъмон ибн Собит бўлиб, куняси Абу Ҳанифадир. Аллоҳ унинг қўли билан менинг суннатимни тириктиради [1:453-454].

Бундай мазмундаги ҳадиснинг Пайғамбардан ворид бўлиши эҳтимолдан йироқ, чунки у киши ҳали маълум бўлмаган, келажакда бўладиган ҳодиса ва номлар – ғайб илми ҳақида хабар бера олмасликлари ҳадисларда кўп таъкидланган. Аммо мазкур ҳадиснинг бу ҳудудда кенг тарқалганидан фақатгина бир нарсани – ханафий мазҳабининг шу ердаги мавқеини билиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, XI-XII асрларда ҳадис илми соҳасида бир қадар барқарорлик юз берганлигини кузатишимиз мумкин. Бу турли фирка ва гуруҳлар ўртасидаги зиддиятнинг заифлашувида, муҳаддислар орасида маҳаллий самарқандлик уламолар мавқеининг юксак даражада ошганлигида кўринади. Айниқса, ханафийларнинг таъсир доираси беқиёс ўсди. Муомалада бўлган ҳадислар турли мавзуларга тегишли эди. Ҳадис илми ўзи учун кўшимча диний амалларга тарғибот, одоб-ахлоқ, жамиятда инсонлар ўртасида ҳамжиҳатлик, такводорликка чақириш каби соҳаларни банд этди. Илм аҳли орасида кўпинча илмга, таълим олишга чақирувчи ҳадислар ривоят қилинган бўлса, зоҳид ва суфийлар орасида зуҳд ва таквога даъват этувчи ҳадислар муомалада эди.

ХУЛОСА

Ҳадисларнинг асосий қисми савоб амалларга чақиришга бағишланган бўлиб, бу ҳадисларда баъзан кичик амал учун ҳам катта савоб ва жаннат ваъда қилинади. Ҳадис илмининг қоидаларини маҳкам тутган муҳаддислар ва ҳофизлар орасида, асосан, саҳиҳ ҳадислар муомалада бўлган бўлса, юқори мансаб талабидаги баъзи гуруҳ ва шахслар орасида уларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи заиф ва мавду (тўқима) ҳадислар ишлатиларди. Ибодатдан кейинги ўринда ахлоқ, қариндош-уруғчилик, ўзаро меҳр-мурувват, раҳм-шафқат масалалари турар эди. Бу эса ҳадисларнинг барча даврлардаги долзарб мавзуси ҳисобланади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Ан-Насафий. ал-Қанд фи зикр уламо Самарқанд / Назар Муҳаммад ал-Форйобий таҳрири остида. – Саудия Арабистони: Мактабат ал-Кавсар, 1991. – 622 б.
2. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Ан-Насафий. ал-Қанд фи зикр уламо Самарқанд / Юсуф ал-Ҳоди таҳрири остида. – Техрон: Ойина-йи мирос, 1999. – 877 б.
3. Абу-л-Фадл Муҳаммад ибн Абд ал-Жалил ас-Самарқандий. Мунтахаб Китоб ал-қанд. – Париж. – Франция миллий кутубхонаси. – Араб кўлёзмалари фонди. – Кўлёзма № 6284. – 75 в.
4. Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний. ал-Ансоб: 5 жилдли / Абдуллоҳ Умар

ал-Борудий таҳрири остида. – Байрут: Дор ал-фикр, 1998.

5. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Маҳмуд Ибн ан-Нажжор ал-Бағдодий. Зайл Та'рих Бағдод. – Т. 20 / Мустафо Абд ал-Қодир Ато таҳрири остида. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1997. – 184 б.
6. Абу Исо ат-Термизий. аш-Шамойл ан-набавийа / Арабчадан У. Уватов таржимаси. – Т.: Чўлпон, 1993. – 112 б.
7. Абу Абдуллоҳ Йоқут ибн Абдуллоҳ ал-Ҳамавий. Муъжам ал-булдон. 8 жилдли / Аҳмад Ножи ал-Жамолий. – Қоҳира, 1906.
8. Абдуллаев И., Ҳикматуллаев Ҳ. Самарқандлик олимлар. – Т.: Фан, 1969. – 104 б.
9. Мавсуат «ас-Сихоҳ ас-ситта» / Электрон дастур.